

Беҳуда нарсалардан сақланиш



11:47 / 13.01.2023 2330

Имом ибн Қоййим раҳимахуллоҳ деди: «Ўнта зое бўладиган, беҳуда нарса борки, улардан манфаат йўқдир:

1. Амал қилинмайдиган илм.
2. Ихлос бўлмаган ва (суннатга) иқтидо қилинмаган амал.
3. Ундан инфоқ қилинмайдиган мол-дунё. Унинг жамловчиси дунёда (бахиллик қилиб) баҳраманд бўлмайди ва охирати учун ҳам ўзидан олдинга (садақотлар кўринишида) тақдим этмайди.
4. Аллоҳнинг муҳаббатидан холи бўлган, Унга интилиб шавқ қилмайдиган ва У билан сирдош бўлмайдиган қалб.
5. Унинг тоати ва хизматидан ажралган жисм.
6. Маҳбубнинг ризосига боғланмаган ва унинг амрларига мувофиқ юрмайдиган муҳаббат.
7. Беҳуда кетаётгани идрок қилинмаган, яхшилик ва қурбатни ғанимат

билилмаган вақт.

8. Бекорчи, фойдаси бўлмаган нарсаларга машғул бўлган фикр.

9. Унга хизмат қилиш сени Аллоҳга яқинлаштирмайдиган ва дунёингга салоҳият бўлиб қайтмайдиган инсонни хизматини қилиш.

10. Тутқичи Аллоҳнинг қўлида бўлган бир бандадан қўрқилиш ва умид қилиш. У Унинг қабзасида асир бўлса ва ҳатто ўзига зарар ёки фойда, ўлим ёки ҳаёт бера олмаса. Буларнинг бари фойдасиз ва зое нарсалардир.

Манба: @arabicuz